ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 12 июль № 27 (204) • Сотувда нархи эркин

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳайъатининг Алоқа вазири Т. Ғ. Раҳимов бошқарган навбатдаги йиғилишида бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Ҳайъат аъзоларининг диққат-эътибори «Ўзбектелеком» концернининг 1995 йил ва 1996 йилнинг 1 чорагидаги молиявий ҳамда хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини тўлиқ текшириш якунларига қаратилди.

Бу борада маъруза қилган Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари В. А. Кравченко текшириш якунларига асосланиб «Ўзбектелеком» концернининг фаолияти зарур талабларга жавоб бера олмаслигини таъкидлади.

Концернда маблағлардан фойдаланиш тартиби бузилаётир, ўзаро ҳисоб-китоб жамғармасига тушаётган катта маблағлар асоссиз равишда ишлаб чиқаришдан бошқа мақсадларга сарфланмоқда. «Андижонкабель» заводининг дебитор қарзи 12,2 миллион сўмдан ортиқдир. Умуман дебитор қарзлар борган сайин ошиб, бир миллиард сўмдан кўпайиб кетди.

Электралоқа корхоналарининг ўзаро ҳисоб-китоб жамғармасидан 150 миллион сўм қарзлари бор. Концернинг хўжалик ҳисобидаги турар-жой бошқармаси фаолияти тўғри ташкил қилинмаган. Шунингдек, концернинг Марказлаштирилган жамғармасига маблағлар йиғиш ва уни сарфлашда хатоликларга йўл қўйилган, катта миқдордаги кўплаб харажатлар мақсадга мувофиқ сарфланмаган. Бунга мисол қилиб Тошкент электротехника Алоқа институтида АПУС қурилмасининг ихтиросига сарфланган харажатни айтиш мумкин. Шунга ўхшаш кўплаб пул маблағлари ишлаб чиқаришдан бошқа нарсаларга харажат қилинган. Концерн раиси Т.М. Бекметов ва унинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи томонидан пул маблағларининг қонуний равишда сарфланиши кучли назорат остида олиб борилмаяпти. Шу сабабдан ҳам корхонанинг иши олдинга силжимаяпти. Кабель ва ҳаво линияларини жорий таъмирлаш ишлари кетмакет бажарилмай қолмоқда, тушаётган шикоятлар сони 25,3 фоизга кўпайди, мутахассислар ва сифатни ошириш борасидаги муаммоларда жиддий бир ечим топилмаган. Узоқ вақтдан буён концернда энг долзарб масалалар кўриб чиқилиб, ҳал қилинмаяпти. Масалан, 1995 йилнинг охирларида «ЎЗПАК» корхонаси негизида ягона узатиш тармоғини тузиш ишлари ниҳоясига етказилган эди, аммо бу ерда ҳали ҳам баъзи зарур масалалар ечилмаяпти.

Концернинг ҳисоб-китоб ҳужжатларида жиддий камчиликлар бор.

Шу сабаблар боис вазирлик ҳайъати концернинг 1996 йилнинг 1 чорагидаги ишини қониқарсиз деб топди ва бу борадаги масала яна қайта кўриб чиқилишини маълум қилди. Концерн ва электралоқа корхоналари раҳбарлари айтиб ўтилган барча камчиликлар ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятидаги муаммоларни бартараф қилишлари лозим.

Алоқа вазирлигининг бош ҳисобчиси О. Ҳ Жумаевнинг ахборотига кўра концерн ва алоқа корхоналари қошида молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш мақсадида тузилган назорат-тафтиш бўлими ҳамда гуруҳларининг фаолияти тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Ҳозирча мазкур бўлим ва гуруҳларнинг иши яхши бўлмаса-да, келгусида бу корхоналарнинг пул маблағлари ҳамда қимматбаҳо материалларнинг сақланиши устидан қилган тафтишлари ўз самарасини беради.

Ҳайъат йиғилишида «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. М. Бекметов Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари электралоқа корхоналарининг иш фаолияти тўғрисида маълумот берди. Ҳайъат хулосасига кўра бу вилоятларда иш бозор иқтисоди талаблари даражасида олиб борилмаётган экан. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорга биноан мазкур вилоят электралоқа корхоналари раҳбарлари ишни яхшилаш йўлида зарур чора-тадбир кўришлари лозимдир. Шунингдек, йиғилишда тармоқ босмахонасини ташкил қилиш масаласи ҳам кўрилди.

Ҳайъат йиғилишида «Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамиятининг раиси А. Т. Тоғайалиев Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводида алоқа иншоотларини қуриш дастуридаги ишларнинг бориши тўғрисида маълумот берди. Ҳозир у ерда алоқа уйи, АТС ва кабель линиялари қурилишини ниҳоясига етказиш арафасида турилибди.

Йиғилишда вазирликнинг Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Х. Каримов Японияниинг Бутунжаҳон тараққиёт ва ривожлантириш банки томонидан Ўзбекистон алоқа корхоналарини юксалтириш ҳақидаги таклифларидан фойдаланиш тўғрисида ахборот берди. Бу борада халқаро тендер (танлов) ўтказилган эди. Бу танлов натижаларига кўра Германиянинг «Детекон» ва Япониянинг «NTTIHT» фирмалари ҳамда Халқаро электралоқа иттифоқига Ўзбекистон алоқа корхоналари ишини юксалтириш юзасидан энг самарали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқариш каби ишлар топширилган эди. Бу фирмаларнинг эксперт ва консультантлари томонидан ушбу иш ниҳоясига етказилди. Улар билдирган тавсияномалар алоқа соҳасининг турли йўналишларида тайёрланган. 28 та ҳужжатдан иборат бўлган ушбу таклиф ва тавсиялар амалий иш учун жуда муҳимдир.

Ҳайъат йиғилишида Тошкент электротехника Алоқа институтининг ректори Т. Д. Ражабов сўзга чиқиб, Алоқа институти, коллежи ва бошқа алоқа корхоналари негизида алоқачи мутахассисходимлар тайёрлашни узлуксиз таъминлаш мақсадида илмий ишлаб чиқариш бирлашмасини тузиш тўғрисида гапирди. Ҳайъат бу масалани ҳам атрофлича муҳокама қилди.

А. КУДИНОВ

«АЛКАТЕЛ»НИНГ ЯНГИ ТАКЛИФЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини ривожлантириш йўлидаги эзгу ишларда хорижий ҳамкорлар билан қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бу ҳамкорликдаги ишларда айниқса жаҳонга машҳур «Алкател» телекоммуникация корпорациясининг номи тез-тез тилга олинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Алоқа вазирлигида икки кун мобайнида етакчи немис мутахассислари — Бюхнер Бернд, Шоварте Дитер, Хетцель Франк ва тошкентлик В. Д. Пилипюк жаноблари иштирокида тақдимот бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда германиялик мутахассислар тақдимот иштирокчиларига телефондан самарали фойдаланиш ва алоқа тармоқларини янгича ташкил қилиш имкониятини берадиган телекоммуникация жиҳозлари ишлаб чиқариш жараёнлари тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. Тақдимотда юртимизда жорий қилинаётган рақамли алоқа техникасидан унумли фойдаланиш натижасида юзага келаётган имкониятлар тўғрисида сўз борди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири Т. Ғ. Раҳимов кейинги пайтда «Алкател» корпорацияси билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ривожланиб, тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини айтиб ўтди.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан 1995 йилнинг август ойида 2010 йилгача телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ва ривожлантириш бўйича Миллий дастур қабул қилинган эди. Ушбу дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш кўп меҳнатни талаб қилади. Бу ишда маҳаллий алоқачи мутахассисларимиз қаторида хорижнинг кўплаб фирма ва компаниялари ўз лойиҳалари билан қатнашадилар. Бу ишдан «Алкател» ҳам четда қолмаган.

«Алкател» мазкур тадбирларда фақат қатнашиб қолмасдан, бу борада ўзининг янгидан-янги таклифларини билдириши қувончли ҳолдир», — деди Алоқа вазири тақдимотда.

Хўш, германиялик ҳамкорлар нималарни таклиф қилишмоқда?

Бу аввало янги илмий-амалий ишланмалар, яъни телекоммуникация тармоқлари учун турли хил техника воситаларини бевосита ишлаб чиқариб, амалиётга тадбиқ этишдир. АТСдан тортиб то абонент қурилмасигача қўшимча асбоб-ускуналар ўрнатиш, шиша толали кабель ва рақамли радиорелели линияларнинг жорий қилиниши, уларни замонавий тақсимлаш қурилмалари билан жиҳозлаш кенг миқёсли тезкор алоқа қилишни таъминлаб, миллий, халқаро телекоммуникация тармоқларига чиқиш ҳамда телефон каналлари орқали теледастурларни узатиш имкониятларини юзага келтиради. Агарда «Алкател» корпорациясининг таклифлари амалга ошса, мижоз хонадонидан туриб телевидениега қўнғироқ қилиб ўзига ёққан кўрсатувга ёки бошқа хизматлар, масалан, озиқ-овқат келтиришга буюртма бериши, спорт мусобақалари, валюта нарх-наволарини кузатиб бориш каби кўплаб имкониятларга эга бўлади.

Хўш, «Алкател» корпорациясининг хаёлий орзуларидек бўлиб кўринаётган таклифлари қачон амалга ошиши мумкин?

Бу таклифлар босқичма-босқич амалга оширилиб борилади, 2-5 йил ичида оддий вазифалар ҳал қилиниб, сўнгра мураккаб техникавий вазифаларни бажаришга киришилади. Ҳозирги вақтда эса республикамизда рақамли электрон АТСлар қурилмоқда, радиорелели ва кабель линияларида сигнални узатиш тизимига ўтилмоқда. Айни пайтда мижозлар телефон ёрдамида ўттизга яқин хизмат турларидан фойдаланиш имконига эгадирлар. Келгусида бу имкониятларнинг кўлами янада кенгаяди. Бунинг учун катта миқдордаги пул маблағлари ҳамда хорижлан кўплаб замонавий янги алоқа жиҳозларини келтириш лозим. Бу ишларга «Алкател» тайёр бўлиб турибди, немис мутахассисларининг таклифлари шунчаки бир ўй-хаёл эмас, уни дадил амалга оширса бўлади...

А. ДАРВЕШОВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

•Янгиликлар •Воқеалар •Хабарлар

• Матбуотда «1996-1997 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

• Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ва Руминия ҳукумат делегацияларининг транспорт соҳасида ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

• Республика прокуратурасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашув ўтказилди.

• Андижон вилоятида «ЎзДЭУавто» корхонасини Фарғона водийси ҳалқа йўли билан тўғридан-тўғри боғлайдиган автомобил йўли қуриб битказилди.

• Президент Борис Ельцин Бош вазир Виктор Черномирдинга ҳукуматнинг янги таркибини тузиш вазифасини топширди.

• Бокуда қурилиши 1981 йилда бошланган 310 метрли телемйнора ишга тушди.

• Украина Президенти Леонид Кучма ҳукумат истеъфосини қабул қилди. У янги ҳукумат тузилгунга қадар ҳозирги ҳукумат аъзоларига ўз вазифаларини бажариб туришни илтимос қилди.

• Чеченистонда Назранда эришилган аҳдлашувларда кўзда тутилган сулҳ муддати тугади. Шу муносабат билан Чеченистон жангарилари ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳарбий куч ишлатишлари мумкинликлари тўғрисида Россия маъмурларини огоҳлантирдилар.

• Франция Президенти Жак Ширакнинг Саудия Арабистонига қилган расмий ташрифи муваффақиятли ўтди.

• Боб Доул ўзининг сайловолди компанияси жараёнида АҚШнинг собиқ президенти Рональд Рейган билан учрашди.

• Хитойнинг Жанубий ва Шарқий вилоятларида кейинги 150 йил мобайнида энг кучли сув тошқини рўй берди. Бунинг оқибатида 300 нафардан кўпроқ одам ҳалок бўлди. Етказилган иқтисодий зарар 1 миллиард доллардан ошиб кетди.

• Иордания подшоси Ҳусайн ва Фаластин раҳбари Ёсир Арофат Иорданиянинг Акаба шаҳрида учрашиб, Исроил қўшинларини Хеврон шаҳри ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан олиб чиқиб кетиши масаласини муҳокама этдилар. Эришилган аҳдлашувларга қарамасдан ушбу ҳудудлардан Исроил ўз қўшинларини ҳали олиб чиқиб кетгани йўқ.

АЁЛ ҚАЛБИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани алоқа тармоғи идораси уч қаватли бинога жойлашган экан. Юқорига кўтарилдим. Иккинчи қаватдаги хоналарнинг бирида қабулхона битигига кўзим тушди.



Ичкари кириб, бошлиқни сўрадим. Бошлиқ шу йил тўртинчи чорагида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ҳисоб-китоб маркази қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан танишиш учун кетган экан. Вақтни бекор ўтказмаслик мақсадида тармоқда ишлаётган кассаларни кузатдим. Бу ерда ҳисоб-китоб ишлари компьютер зиммасига юкланган. Одамлар пул тўлаш, телефон дафтарчасини олиш, абонент пули вақтида тўланмай қолиб номери олиб қўйилгани ҳақидаги хабарни айтишса бас. Маълумот компьютерга солинади. Жавоб тайёр. Бир-икки дақиқада ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Бу ерда навбат кутиш, асаббузарлик, ортиқча савол-жавоб ва тортишувларга ҳожат йўқ. Абонентларга қулайлик яратиш учун ҳозир ҳисоб-китоб маркази биносини қуриш бошланган.

Одамлар учун яратилган шароитдан кўнглим тўлиб, яна юқорига — қабулхонага чиқдим.

Бошлиқ хушрўйгина, хушмуомалали аёл экан. Унинг самимийлигидан дадилланиб, кўнглимдаги саволни бердим:

— Мустақиллик шарофати туфайли эски шаҳаримиз ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб боряпти. Одамлар зах уйларини тарк этиб, янги уйларга кўчиб ўтяптилар. Шарқона бинолар қад ростлаяпти. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида мана шу янги турар жойларни телефонлаштириш ишлари қандай олиб бориляпти?

— Сир эмас, ишимизда қийинчиликлар кўп. Мен уларни хаспўшламоқчи эмасман. Биз қийинчиликлардан қўрқмай, интизомни мустаҳкамлаб, ўзимизга биркитилган вазифани ҳалол бажариб, мустақил Ватанимиз қудратини ошириш йўлида изланаверамиз, тўсиқларни енгиб ўтаверамиз. Ҳар ким баҳоли қудрат Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиши даркор.

— Эски шаҳар қайта қурилиши сабабли телефон линиялари алмаштирилиши анча қийинчилик туғдирган бўлса керак. Шу тўғрида ҳам бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Туманимиз телефон тармоғида ўн битта талефон станцияси бор. Бу ерда 500 киши ишлайди. Сағбон, Фаробий, Чимбой, Қорасарой кўчаларининг қайта қурилиши муносабати билан 4000 линияли абонент кабель иншоотлари реконструкция қилинди. 44-телефон станциясининг жиҳозлари замонавий жиҳозларга алмаштирилиб, 3500 қўшимча қувват қўшилди. 46-48 АТСлар ҳам электрон станцияларга алмаштирилиши керак. Шиша толали кабель линияларини ётқизиш учун тайёргарлик ишлари кетяпти. Бу линиянинг узунлиги 22 километрдир. Ҳозир 190 минг абонент бор. Абонентларга телефон хизматини яхшилаш учун 084 хизмати очилди. Бу хизмат ҳам компьютерлаштирилган. Қисқа қилиб айтганда, ишлаган имконият топади. Иш бор жойда камчилик бўлади, албатта. Бу табиий. Бизнинг вазифамиз ана шу камчиликларни вақтида бартараф этиб, ишни бўшатирмай, аҳолига телефон хизмати кўрсатишни намунали йўлга қўйишдир.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов телефон тармоғи бошлиғи Мубарак Ҳошимовна Рустамова билан мусоҳаба поёнига етди. Ўзбек аёлининг электроалоқа тармоғини бошқариши мен учун қутилмаган ҳодисадек туюлди. Таассуротимни Алоқа вазирлигида ишловчи дўстимга айтдим.

— Менимча, бу лавозимда Мубарак Ҳошимовнадан бошқа ўзбек аёли йўқ, — деди дўстим. Бу кишй ўн йил Алоқа вазирлигида бўлим бошлиғи, бош мутахассис бўлиб ишлади. 1994 йилнинг июлидан бошлаб Собир Раҳимов алоқа тармоғини бошқариб келяпти. Шу давр ичида тўртта АТС бинолари капитал таъмирдан чиқарилди. Лекин камчиликсиз иш бўлмайди. Фақат иштиёқ бўлса бас. Ишнинг кўзини билиб, ҳалоллик билан иш юритилса камчилик ҳам, қийинчилик ҳам бартараф этилаверади.

Муборак Рустамова қийинчиликдан чўчимайди. У Тўмарис, Нодирабегим, Хадича Сулаймонова, Саида Зуннунова каби салоҳатли, фидойи аёллар авлодидан. Мўътабар аждодлар қурашиб ниятларига етолмаган замон Муборакхонга насиб этди. Энди ишлайдиган, мустақилликни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш учун қурашадиган давр келди. Бу йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилиб, келажаги буюк давлатимиз пойдеворини мустаҳкамлашда Муборакхонга ўхшаш опа-сингилларимизнинг ҳиссаси ҳам салмоқлидир.

Зиёвуддин ОРИПОВ

ТАЙИНЛАШЛАР

«Ўзбекистон почтаси» концерни кенгашининг қарорига биноан ушбу концерн кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган ***Абдусаттор Абдураҳмонович ОРТИҚОВ*** *Республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи этиб тайинланди.*



Абдусаттор Ортиқов 1945 йили Тошкентда туғилган, ўзбек, маълумоти олий — 1969 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини, 1979 йили Тошкент Давлат Университетининг юридик факультетини тугатган. Қуролли кучлар сафида хизмат қилган. 1971 йили Алоқа вазирлигида катта муҳандис, вазир ёрдамчиси, вазирлик ҳайъати котиби вазифасида ишлади. 1973 йилдан 2-Давлат иттифоқ лойиҳалаш институтида гуруҳ раҳбари, бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатди. 1982 йилдан Ички ишлар вазирлигида алоқа бўлими бошлиғи лавозимида, 1990 йилдан 1996 йилгача ишлаб чиқариш корхоналарида раҳбарлик лавозимларда меҳнат қилди. 1996 йил февраль ойидан «Ўзбекистон почтаси» концерни кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг розилиги ва «Ўзбекистон почтаси» концернининг буйруғига кўра ***Нормаҳмат Собирович МУҲАММАДИЕВ*** *Сурхондарё давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи этиб тайинланди.*



Нормаҳмат Собирович 1954 йили Сариосиё туманида туғилган, ўзбек, олий маълумотли. 1980 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини, 1996 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт Университетини битирган. Меҳнат фаолиятини 1980 йили муҳандисликдан бошлаган. 1981-1982 йилларда вилоят алоқа қурилиш ташкилотида бош муҳандис, 1983-1985 йилларда вилоят алоқа бошқармасида бошлиқ муовини, 1985 йилдан шу кунгача вилоят алоқа қурилиши ҳиссадорлик жамияти бошлиғи вазифасида ишлаб келди.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

— Қишлоқ шароитида электроалоқа соҳасида ишлаганларга имтиёзли нафақа ёши белгиланганми?

Мирзо ЎНГБОЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи тумани,
Меҳнатобод жамоа хўжалиги.

— Ўзбекистон Республикасининг «Пенсия тўғрисидаги қонуни»да эркаклар учун пенсияга чиқиш ёши — 60 ёш ва умумий иш стажи 25 йил, аёллар учун 55 ёш ва умумий стажи 20 йил бўлиши белгиланган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Бу қарорга асосан пенсияга чиқиш учун имтиёз берадиган касб ва хизматларнинг учта рўйхати берилган.

Биринчи рўйхатга киритилган касб-хизматдагилар талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда ёшидан қатъий назар;

Иккинчи рўйхатга киритилган касб-хизматдагилар талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 10 йил олдин;

Учинчи рўйхатга киритилган касб-хизматдагилар талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин нафақага чиқиш ҳуқуқига эгалар.

Аммо бу рўйхатларда сизнинг фаолиятингизга тегишли касб-кор учун имтиёз белгиланмаган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 1 апрелдан кучга киритилган «Меҳнат Кодекси»нинг 37-моддасида жамоа шартномаси қабул қилишда корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда муддатидан илгари нафақага чиқиш каби қўшимча имтиёзлар белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган.

— Алоқа соҳасида узоқ йиллар ишлаганлар учун қандай имтиёзлар бор ва узоқ йил ишлагани учун қанча миқдорда қўшимча ҳақ тўланади?

Нина Павловна ГОРЯШИНА,
Сурхондарё вилояти,
Сариосиё тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ўртасида тузилган «Тармоқ келишуви»да шундай имтиёзлар белгиланган. Булар: Алоқа вазирлиги тизимида 10 йилдан 15 йилгача ишлаганларга телефон учун тўловнинг 50 фоизини тўлаш; телефони йўқлар учун Республикада нашр қилинадиган битта газета учун бепул обуна бўлиш.

Узоқ йиллар ишлагани учун ойига:

3 йилдан ортиқ ишлаганлар учун иш ҳақининг 10 фоизи,

5 йилдан ортиқ ишлаганлар учун иш ҳақининг 15 фоизи,

10 йилдан ортиқ ишлаганлар учун иш ҳақининг 20 фоизи,

20 йилдан ортиқ ишлаганлар учун иш ҳақининг 30 фоизи,

25 йилдан ортиқ ишлаганлар учун иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида устама ҳақ тўланади.

— Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси олиш учун қанча муддатгача мурожаат қилиш мумкин?

Дилбар НАБИЕВА,
Тошкент шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси ва Меҳнат вазирлиги томонидан 1994 йил 10 февралда 148/03-сон билан тасдиқланган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом»нинг 5-бандида белгиланишича, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган, бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида мурожаат қилинган бўлса, нафақа тайинланади. Бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси унга мурожаат қилинган кунгача бўлган 12 ойдан ошмаган давр учун берилади.

Нафақага 6 ойдан кечикиб мурожаат қилинганда, у айрим ҳолларда фақат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижтимоий суғурта жамғармаси бўлинмаларининг қарорига биноангина узрли сабабларнинг мавжудлигига қараб берилади.

Маҳамадали ТУРҒУНОВ,
ҳуқуқшунос

● *Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

МИННАТДОРМИЗ!

Ҳаётда ўз касбини жонидан ортиқ эъзозлаб, меҳр билан ишлайдиган фидойи инсонлар бор. Ана шундай инсонлардан бири Данғара почта алоқаси бөғламасига қарашли Найманча алоқа бўлими почтачиси Раҳмонали Пўлатовдир. Раҳмоналининг хабарчилик касбини эгаллаганига 10 йилдан ошди. Унинг меҳнати таҳсинга сазовордир. Чунки у шу кунга қадар нафақа пуллари, газета-журнал, хат-хабарларни ўз вақтида эгаларига етказиб, барчанинг олқишию дуосини оляпти. Биз —Данғара туманининг Найманча фуқаролар йиғинига қарашли Жар қишлоғидаги 25-уйда яшовчи оиламиз, Раҳмоналининг меҳнатидан беҳад мамнунмиз.

Жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида ҳеч иккиланмай ҳар хил газета-журналларга обуна бўлдик. Чунки ҳар бир матбуот нашрини сонма-сон ўз вақтида қўлимизга етказадиган Раҳмоналидек почтачимиз бор. Севимли «Хабар» газетамиз орқали ҳожатбарор Раҳмонали Пўлатовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Данғара туманининг Жар қишлоғида яшовчи ҲАСАНОВлар оиласи, Фарғона вилояти

ҚУТЛАЙМИЗ!

Халқаро ҳисоб-китоб ва шартномалар маркази жамоаси шу марказ бошлиғи ***Майрам Авазовна ХОЛМУРОТОВАнинг*** *50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида катта ютуқлар тилайди.*

***

Алоқа вазирлиги давлат алоқа назорати жамоаси Сурхондарё вилояти давлат алоқа назорати бошлиғи ***Жумагул МУРАТОВАнинг*** *50 ёши билан табриклайди, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамда эзгу мақсад йўлидаги ишларида омад тилайди.*

• *АМИР ТЕМУР таваллудининг 660 йиллигига*

ДАРВЕШЛАР БОҒИДА

(Ҳикоя)

Ўз боғида Муҳаммад Тарағай кўчатларнинг тагини юмшатиб, ғўнг солиб, токкайчида ортиқча новдаларни қирқиб юрган эди. Ўғли ўртоқлари билан ҳаяжонланиб, болаларча сайраб келаётганини кўриб, уларга пешвоз чиқди.

— Ассалом-алайкум, отажон, — деб яна салом қилди Темурбек. — Бизгачи, устозингиз Мир Кулол ҳақида гапириб берсангиз. Биз ҳам ул зотга шогирд бўлсак, рухсат борму?

— Нечун ул зоти шарифга шогирд бўлмоқчисиз? — ўсмоқчилаб сўради Муҳаммад Тарағай болаларга меҳр билан қараб. Темурбекнинг бир ўртоғи жавоб берди:

— Биз ул зотдан қураш ҳунарини ўрганишни истаймиз.

— Яна, билмаганларимизни сўрамоқчимиз, — қўшиб қўйди Темурбек.

— Оббо, сизлар-ей, — қувонди Муҳаммад Тарағай. — Ундай бўлса, сўрига чиқиб яхшилаб ўтириб олинглар. Аввал чой-пой келтиришсин.

Сокина бегим чой, нон билан бирга мева-чева, ширинликлар келтириб қўйди. Болалар уй бекасига бараварига салом беришди. Сокина бегим уларни дуо қилди.

— Илойим, униб-ўсиб, мартабаларинг зиёда бўлиб, эл-юртга яхши фарзанд бўлинглар!

— Омин, Оллоҳу акбар! Айтганингиз келсин! — дейишди болалар.

Муҳаммад Тарағай токкайчи ва қўлларини тайинли жойга қўйиб, ҳовлидан оқиб ўтаётган ариқчада қўлини ювиб турганида Темурбек югуриб бориб, отасига сочиқ тутиб турди.

— Умрингиз сувдай покиза, давлатингиз сувдай сероб бўлсин! — дуо қилди отаси. Сўнг болалар ёнига келиб, чордона қуриб ўтирди. Болалардан бири узатган пиёладаги чойни ҳўплаб, ҳикоясини бошлади.

— Ёз фасли эди. Бир куни пирим Шамсиддин Кулолни излаб, ҳовлисига борсам, Бухородан азиз меҳмон Мир Сайид Кулол келган эканлар. Камина ул зотни кўришни орзу қилиб юрган эдим. Шамсиддин Кулолнинг дарвозаси очиқ эди, ичкари кирдим, хизматкорлар салом бериб, кутиб олишди. Айтишдики, азиз меҳмон ва барча давра аҳли ҳовли этагидан оқиб ўтувчи анҳорда чўмилаётган эканлар. «Яна кимлар бор?» —десам:

— Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, бир неча биродарлари билан, — дедилар.

Камина меҳмонлар ёнига бориш беодоблиқдур деб, айвонда уларни кутиб ўтирдим. Сайид Мир Кулолнинг шогирди Хожа Баҳоуддинга назари тушганини, ул зотни тарбият қилганини эшитган эдим. Мир Кулол амирлик, сипоҳийлик ишлари билан Бухородан узоқларга — Баёнқулихон хизматига кетадиган пайти Хожа Нақшбанд тарбиятига ўтиб кетипти. Шулардан бири Чиғатой улуси вазири амир Ихтиёриддиннинг қариндоши шайх Хусрав ва Кармана амири Ноқушоҳ эдилар.

Бу икки шогирд Насафга Хожа Баҳоуддин келганини эшитиб, Кешдан пиёда йўлга тушиб, устозни кўришга бордилар. Шайх Шамсиддин Кулол ҳам ўша пайт Насафда эди. Икки шогирд аввал ўз пирлари Шамсиддин Кулолни зиёрат қилдилар. Суҳбат орасида Хожа Баҳоуддинни эсладилар...

Бу ҳикояни эшитаркан, Темур ва унинг ўртоқлари назарида Муҳаммад Тарағай ҳам бир авлиёдек азиз кўриниб кетди...

Бошқа бир куни Муҳаммад Тарағай ўғли билан ёлғиз қолганида сирли тушини айтиб берди.

— Бир куни тушимда кимсасиз саҳрода эканман. Олисда баҳайбат тоғлар, саҳро этагидаги ўрмонда ваҳший ҳайвонлар, бўри, шер ва йўлбарсларнинг ўкириги эшитилади. Атрофимда илонлар ўрмалайди, аммо менга яқин келолмайди. Чунки, мен кўнглимдаги қудратли қурол — дуо-оятни ишга солиб турибман:

— Ло ҳавла ва ло қуввата, илло биллоҳи алиюл-азийм. Яъни оламда энг буюк Оллоҳдан ўзга ҳеч кимсада қўрқинчли қувват йўқдур.

Шу дуони ўқишим билан осмондан бир қанотли йигит тушиб (эҳтимол, фаришгадир) ажойиб бир пўлат шамшир-қилични қўлимга тутқизди.

Бу ҳазрати Алининг зулфиқоридур, — деб тушунтирди ҳалиги йигит. — Шу йил хонадонингда бир ўғил туғилгай, Ҳазрати Али авлодлари дини ислом ривожига хизмат қилса, оламга подшоҳ бўлур.

Шундай деб, ҳалиги фаришта ғойиб бўлди. Мен қўлимдаги қилични баланд кўтариб, айлантирдим. Қилич тиғининг нурлари яркирашидан бутун олам ёришиб кетди. Ўрмон тарафда ваҳшийлар ўкиришдан тўхтади, илонлар қочиб, ин-инларига кириб кетдилар.

Мен бу тушимни устозим Шамсиддин Кулолга айтиб бердим. У киши ўз устози Сайид Мир Кулолга айтиб берипти. Мир Кулол мени ҳузурига чақириб деди:

— Фарзандим Муҳаммад Тарағай, сенга хушхабар — башоратки, яқин вақтларда хонадонингда янги меҳмон дунёга келур ва ул фарзанди-дилбанд адолат қиличи билан оламни эгаллар...

Маҳкам МАҲМУД

МУОМАЛА ОДОБИ

1. Қўпол муомалали кишиларга ҳам яхши муомала билан жавоб қайтаринг.

2. Бир нарсадан хафаланиб, аччиғингиз келиб турган вақтда ҳеч ким билан сўзлашманг, аччиғингиз босилгунча сабр этиб туринг. Одамларнинг камчиликларини кечиринг, ҳар ишда фикр қилиш ва эътибор беришни унутманг.

3. Одамларга аралашмай, бир четда турманг. Ким учраса, текширмай-нетмай дарҳол оғиз-бурун ўпишиб дўст бўлиб кетманг. Ҳар ишда ҳур фикрли бўлинг, тўғри сўзли бўлинг, тилингиз ва дилингиз бирдил бўлсин.

4. Ўзингиздан қичикларни хўрламанг, ақлингиз билан ва мартабангиз билан мақтанманг, балки ўз мартабангиз ва бошқаларнинг мартабаларини яхши тушуниб, ҳар кимнинг ўзига муносиб муомала қилинг.

5. Халқнинг гўзал муомала қилишини истасангиз, аввал ўзингиз уларга гўзал муомала қилинг: «Одамлар мени ёқтирмасалар, ёқтирмай қўя қолсинлар, нима ишим бор» демасдан, балки улар билан дўст бўлиш йўлларини изланг. Халққа муҳаббатли бўлишингиз сабабли камолатингиз ҳеч бир зое кетмайди.

6. Халққа яхши ишларни сўзланг, ёмон ишларни яширинг. Одамлар билан муомалангиз шундай бўлсинки, ҳаётингизда сизни севсинлар, вафот этганингиздан кейин сизни эслаб қайғурсинлар.

7. Жуда зарур бўлиб қолган вақтдагина халқдан ёрдам сўраш мумкиндир, бошқа вақтда халқнинг устига юк бўлиб туриш тўғри эмас. Шунинг учун халққа ўз оғирлигингизни солманг, уларнинг молларига тама қилманг, ўзингиз ишланг, меҳнат қилинг, ризқ-рўзингизни ўз меҳнатингиз орқасида ҳосил этинг.

8. Бир ишни бажаришга аҳд қилдингизми, сўзингизнинг устидан чиқинг, ваъдангизга вафо қилинг. Ким билан дўст бўлсангиз, дўстликка содиқ бўлинг. Одамларнинг шодликларидан шодланинг, қайғуларидан қайғуланинг. Ўзингиз севмаган нарсани бошқаларга раво кўрманг.

9. Жамият манфаати учун меҳнат қилинг, ўзингизни ҳам унутманг. Бу йўлда ўтган вақтингизни вақт деб ҳисобламанг, чунки бошқаларни севиш, уларга ёрдам бериш, камчиликларини битириш улуғлик ва одамгарчилик белгисидир.

Байт:

Одоб ила сен улуғлик олгин,
Ҳикмат гавҳарин қўйнингга солгин.

«ДОНОЛАР ОДОБ ҲАҚИДА» китобидан



• *МЕРОС*

ДОНОЛАР НАСИҲАТИ

КАЙКОВУС: «Ота-онага қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ўша муомалани кут».

РАҲМОН ИБН САМОК: «Хушфеъл одам доимо роҳатда бўлади, уйқусида ҳам қўрқмайди. Чунки инсон бедорлигида нимани одат қилган бўлса, уйқусида ҳам ўшани кўради».

ПАРВИЗ: «Таъмагир бўлмаслик зарурки, баъзиларнинг хилма-хили ана шу таъмагирлик сабабли юз беради. Одам арзимаган нарсаларга ҳам жаҳлини чиқаравермаслиги керакки, кишига жаҳлдан ҳам кучлироқ душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди».

СУҚРОТ ҲАКИМ: «Панду насиҳат тинглаган дилни ҳушёр ва сезгир, қалб ичини равшан ҳамда мусаффо қилади. Халойиқ ҳар қандай қўпол, қаттиқ сўзловчи ва юзсиз одамни душман деб билади. Нодон одам синалмаган кишидан эҳтиёт бўлишни билмайди.

Икки одам ҳеч қачон камбағал бўлмайди: доно олим ва қаноатли киши».

«ҚОНУНИ ҲИКМАТ» китобидан

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ, ОТАУЛИ, Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Саид СИДДИҚОВ, Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳаррирятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0406. 8119 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Ҳаётнинг ўзи қизиқ». Қувасой чинни заводида ҳажвчилар билан учрашув. 1 ва 2-қисмлар.
9.35 «Мўлжал». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кичик-Мичик ва масхарабоз амаки». Фарғона қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.55 «Истиқлол маликалари». Олам кўрки сиз билан.
11.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
11.55 «Ибратли умр». Телеочерк.
12.25 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм.
13.40 «Санъат ғунчалари». Концерт.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эркатой».
18.30 «Фақат қизлар учун».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Зарчашма».
21.40 «Кулги — дармон дейдилар».
22.00 Бу оқшомда.
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Эълонлар.
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор» — «Чилонзор».
00.45 Тунги тароналар.
00.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб».
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.15 «Камертон ҳафталиги».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Прайм-тайм».
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.30—23.30 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35

*

20.35 «Жайронлар ороли». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал (Бразилия, 1996 й.).
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Аёл».
20.05 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал (Англия). 1-серия.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиз ва биз».
21.30 «5+1».
22.00 «Сиз ва биз» (давоми).
22.30 Эълонлар.
22.35 «Акциядор луғати».
22.45 «Спорт-тайм».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Санъат усталарининг концерти.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 Болалар учун. «Қутлов».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.

*

12.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қувондиқ Искандаров куйлайди.
12.20 «Умидли дунё». Телеочерк.
12.50 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Нефтчи» — «Нурафшон».
13.35 «Кашф этилаётган имкониятлар».
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби». Болалар учун кўрсатув.
18.30 «Виждон». Телесериал.
19.15 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ёшлар билан...»
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари». Бизнес-академия.
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Зебо». Қизлар тележурнали.
22.05 «Д. Д. Д. ва бошқалар».
22.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Эълонлар ва Оҳанглар.
21.35 «Киноними».
23.05—23.50 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Арслонбоб». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Бу ажиб дунё».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Бумеранг».
19.30 «Янги иқтисод» (такрор.).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Спорт-дайжест» (ўзбек тилида).
21.25 Эълонлар.
21.30 «Дурдаршан» телекомпанияси-нинг кўрсатувлари.
22.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.45 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Д. Д. Д. ва бошқалар».
8.55 «Оромижоним, қайдасан». Машраб лирикаси.
9.40 «Фан фидойилари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Омонулла Файзуллаев.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари». Изланган имкон топади.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Абитуриент-96. Физика.

*

12.00 «Бешинчи довон».
12.35 «Еввойи оққушлар». Бадиий филъм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.00 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари». Иқтисодиёт чорраҳаларида.
21.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.40 «Автосалон».
21.55 «Дубль».
22.05 «Оҳанглар оғушида».
22.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.25 Шеърият лаҳзалари.
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Эълонлар.
24.00 Тунги тароналар.
00.10 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Табиат дунёси».
19.10 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юлдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Гиннес-шоу».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.10—24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Қоялар орасида», «Сув ости салтанатида». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.20 — 22.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Жаҳон болалари».
19.35 «Экология ва ҳаёт».
20.05 Эълонлар.
20.10 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал (Англия). 2-серия.
21.00 «Маънавият сарчашмалари».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Тошкент оқшомида».
22.25 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Юлдузлар жилоси».
23.05 «Ташрифлар ва таклифлар».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
8.55 «Дийрим менинг». Мусиқий дастур.
9.25 Болалар учун. «Қувноқ ёз — ўтмоқда соз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ стадионларида».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 Абитуриент-96. Адабиёт.

*

11.30 «Юрт таянчлари». Катта ҳаёт остонасида.
11.50 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.
13.10 «Камолот йўли». Бунёдкорликни касб этиб...
13.40 «Фил полвон оғриб қолди», «Буюк ёпилиш». Мультфильмлар.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.00 «Аввал иқтисод... сен замонга боқ».
19.15 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари». Ўзбекистон ва жаҳон.
21.15 «Мутоиба».
21.25 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
21.50 Олтин мерос. «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Киноними».
23.40—00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чавандозлар байрами». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.50 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Компьютер-ревю».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Британия кундалиги».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.10 Эълонлар.
21.15 «02» тўлқинида.
21.30 «Эколот-коктейль».
22.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз».
8.45 «Кўнгил мулки». Мусиқий дастур.
9.15 «Қувноқлар даврасида».
9.35 «Фасли ёз». Телефильм.
9.45 «Фазилат». Телеочерк.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Жаҳонгашта қўғирчоқлар».
10.40 Шифокор маслаҳати.
10.50 «Ой-44». Бадиий фильм.
12.25 «Замин фидоиилари». Телеочерк.
12.55 «Маърифат» видеоканали.
14.00 —14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.30 «Аудитория».
18.55 «Бизнес». Ҳафта якунлари.
19.05 «Хавас — ТВ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «УзДЭУ авто». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.25 «Ривоят».
21.35 «Сизлардан ишорат».
22.00 «Репортаж».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Хуш келибсиз».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Бизнес». Ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 — 23.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нон». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Жонли сайёра».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 — 22.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Учқун» («Уч нуқта»).
19.35 «Кафолат».
20.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Мусиқий меҳмонхона».
21.10 «Болалар оромгоҳларида».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Бу бўстон аро...».
22.25 «Америка оламига назар».
22.55 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ШАНБА 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Воҳа тароналари». Мусиқий дастур.
9.40 «Менда фикр бор». Телевизион клуб.
10.15 «Кавказ асираси». Бадиий фильм.
11.30 «Кичкинтой» устахонаси.
12.00 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
12.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
13.05 «Ёшлик» студияси. «Хазина».
13.35 «Бой билан афанди». Телевизион спектакль.
14.15 — 14.35 «Чемпион билан учрашув». Шахматчи Сайдали Йўлдошев.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.00 «Мактуб».
19.10 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Тарозу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ишингиз бароридан келсин!»
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.35 «Кўнгил».
21.55 «Мусиқа салтанати».

«Тунги ёғду» дам олиш дастури:

22.15 «Заковат».
22.30 «Имкон чўққиларига».
22.45 Видео янгиликлари.
23.05 «Даниялик келин». Бадиий фильм.

II

18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Уйинчоқлар растаси».
18.20 «Ҳужжатли кино экрани».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок-Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
17.00 — 20.00

*

Россия жамоат телевидениеси
20.00 — 20.35

*

Россия давлат телевидениеси
20.35 — 21.15

*

21.15 Эълонлар.
21.20 Мусиқий саҳифалар.
22.00 — 22.25 «Чавандоз Зариповлар». Телефильм.

IV

10.00 «Чинор» видеоканали:

1. «Замандас».
2. «Безнен кирас».
3. «Чинсен».

11.30 «Кейинги мавсумгача хайр!..».
12.00 — 13.15 «КВН-96». Финал.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Олам ва одам».
19.30 «Спорт-дайжест» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Рақслар қанотида».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Эсдалик учун дастхат». Ботир Тошхўжаев.
22.00 «Кинонинг олтин асри». Кирк Дуглас «Одиссеянинг саргузаштлари» фильмида.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.35 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.05 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.35 «Кушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
14.00 — 15.00 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Дармон».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари. «Ўзбектелефильм» тақдим этади: «Наврўз нури».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Шахс ва бахс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 1-серия.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 «Эртаклар диёрига саёҳат».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.20 Дилором наволар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табиат шифохонаси».
20.10 «Таманно».
20.20 «Транспорт ва йўловчи».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Дарахт».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 Видео — «О».
23.35 — 00.05 «Спорт қитъаси».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.15 — 23.10

*

23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.40 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Учувчи шифокорлар». Телесериал (Австралия).
11.25 «Парле ву франсэ». Француз тили ҳамма учун.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Жонли сайёра».
12.30 «Дарвоқе». Дам олиш кўрсатуви.
12.50 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 3-фильм. 2-серия.
14.25 «Клип-мейкер».
14.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
16.10 «Оқ соя».
16.40 «Мусиқий олимп». Майкл Жексон.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ Nда етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.25 Эълонлар.
19.30 Киносалон. Роберт Де Миро «Кунлардан бир куни Америкада» фильмида.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Туризм-ревю».
22.05 «Иштирок этувчилар».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.30 «Сенинг вақтинг». Ёшлар дастури.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).